

Ибрагимов М.М. СамИСИ «Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси доценти в.б.

Суяров Ш. ТДИУ Самарқанд филиали “Бухгалтерия ҳисоби” мутахассислиги 2-босқич магистранти

## ТОВАРЛАРНИ СОТИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ

**Аннотация:** Мақолада товарларни сотиш харажатларини гуруҳлаш ва харажатлар ҳисобини юритиш масалалари баён қилинган.

**Калит сўзлар:** Маркетинг, бозор, сотиш харажатлари, реклама харажатлари, вакиллик харажатлари.

**Аннотация:** В статье рассматриваются вопросы группировки затрат на продажу товаров и ведение учета.

**Ключевые слова:** Маркетинг, рынок, продажи, рекламные расходы, представительские расходы.

**Annotation:** The article addresses the issue of grouping the costs of selling goods and keeping records.

**Key words:** Marketing, market, sales costs, advertising costs, representation costs.

Миллий иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши, унинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиниши бўйича олиб борилаётган комплекс тадбирлар натижасида мамлакатимизда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош булган миллий товарларни ишлаб чиқариш хажми тобора кўпаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947 сонли фармони билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида «миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш» вазифалари куйилган.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида истеъмол бозорида

озик-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлашнинг ягона йўли – мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш ҳамда “даладан дўконгача” бўлган узлуксиз занжирни яратиш эканлиги, харидоргир маҳсулотлар турларини аниқлаш, уларга бозор топиш ва сотиш билан хусусий трейдинг компаниялари шуғулланиши, бунинг учун эса, савдо фаолиятини тартибга соладиган қонун лойиҳалари тўпламини ишлаб чиқиш лозимлиги кайд этилди.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда харидоргир маҳсулот ва товарлар ишлаб чиқариш, уларга бозор топиш ва қулай шартлар асосида сотиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бундан эса ўз навбатида товарларни сотиш харажатларини асосли гурухлаш, улар ҳисобини юритиш ва уни такомиллаштириш вазифалари келиб чиқади.

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларини сотиш, иш бажариш ва хизматлар курсатилиши жараёнидаги харажатларни ҳисобга олиш ҳисоб ишларини юритишдаги муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Демак, маркетинг ва сотиш бўлими фаолияти ишлаб чиқариш умумий тизимининг бир қисми сифатида маълум харажатлар билан амалга оширилади.

Бу турдаги харажатлар таркибига:

- сотиш ва товар- хомашё биржаларига тўланадиган комиссия йиғимлар;
- маркетинг маълумотларини йиғиш учун сарф-харажатлар;
- реклама сарфлари;
- ваколатлик сарфлари;
- сотиш фаолият билан боғлиқ бошқа сарфлар киради.

Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ харажатлар қўйидагилардан иборат:

- тайёрлаш билан боғлиқ ёрдамчи цехлар хизмати;
- четдан сотиб олинган идиш ва идишбоп материаллар қиймати;
- ижара тўловлари;
- идиш ва ўрамаларнинг қиймати сотиб олувчи томонидан қўшимча тўланмаган ҳолларда улар қийматининг бошқа истеъмолчилар томонидан тўланиши;
- товар омборларини сақлаш, тушириш-ортиш машина ва ускуналарнинг эскириши, омбор ишчиларининг меҳнат ҳақлари;
- товар маҳсулотларни жўнатиш бекатларга етказиб бериш, вагонларга, контейнерларга юклаш бўйича транспорт харажатлари;
- ихтисослашган экспедиция идораларининг хизматлари учун тулов (нархи жўнатиш франкостанция белгиланганда;
- агар нархи белгиланган франко-станция бўлса, темир йўл тарифи, сув фрахти ёки бошқа транспорт харажатларини тўлаш.

Комиссион йиғимлар (ажратмалар) улгуржи савдо ёки товар хомашё биржаларда сотиш ҳажмини кенгайтириш учун тузилган шартномаларга асосан тўланади.

Маркетинг маълумотини йиғиш харажатларига:

- ташқи маълумотни йиғиш бўйича бошқа ташкилотларнинг хизматлари;
- рақобатчилар тўғрисида маълумот йиғиш билан банд бўлган дистрибьютор, чакана савдогарлар ва бошқа шахсларга қилинадиган сарфлар;
- фаолиятга тааллуқли булган адабиётлар, вақтли матбуот нашрларини ўқиш учун, мижозлар, етказиб берувчилар билан суҳбат учун сарфланган вақт учун тулов (меҳнат ҳақи);

- муҳим маълумотлар тақдим этилганлиги учун моддий рағбатлантириш;
- бўлимларни асраш харажатлари киритилади.

Реклама бўйича харажатлар куйидагилардан ташкил топади:

- реклама фаолияти учун харажатлар;
- реклама учун ёлланган шахслар, рекламани чиқариш меъёрини қамраб олган реклама муомаласининг қиймати;

- аниқ реклама қилувчиларнинг қиймати;
- сотувни мувофиқлаштирувчи воситаларнинг қиймати

- намуналар, имтиёзли нархлари, мукофотлар, кўргазмаларни ташкил қилиш;

- ярмаркаларда иштирок этиш, касбий учрашувлар, экспозиция, товарларнинг кўргазмаларини ташкил этиш ва уларда иштирок этиш билан боғлиқ харажатлар.

Тижорат фаолияти билан боғлиқ бўлган ваколатли харажатлар куйидагилардан иборат:

- ўзаро фойдали алоқа ўрнатиш учун бошқа корхоналарнинг вакилларини қабул қилиш харажатлари;

- маданий-кўргазма тадбирларида қатнашиш;

- музокара ва маданий дастур тадбири давомида овқатланиш харажатлари;

- музокараларда қатнашган бошқа шахслар хизмати учун тўловлар;

- транспорт хизмати харажатлари.

Бошқа харажатлар таркибига молия-сотиш бўлимини учун харажатлар жумладан иш ҳақи, иш хакига нисбатан ажратмалар, хизмат сафари харажатлари, почта, телефон ва бошқа харажатлар киритилади.

Савдо ваколатхоналарини саклаш харажатлари таркибига:

- ходимлар иш хақи ҳақи ва унга нисбатан ажратмалар;

- ижара туловлари;

- алоқа хизматлари учун туловлар;

- маҳсулотни сертификатлаштириш харажатлари;

- номоддий активларнинг (савдо белгилари) эскириши ;

- бошқа харажатлар киритилади.

Товарлар маркетинги ва сотиш жараёнида мавжуд харажатларни юкоридаги тартибда гурухлаш ва хисобини олиб бориш харажатларни

бошқаришда ва бюджетлаштириш юзасидан ҳисоб ишини ташкил этишда самара беради, фаолиятнинг молиявий - сотиш барқарорлигини таъминлаш имконини, ҳамда сотиш борасида стратегик масалаларни амалга оширишда устувор вазифаларни бажариш имкониятларини аниқлашда ёрдам беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Гадоев Э.Ф. ва бошқалар. Бухгалтер учун амалий қўлланма. Икки жилдлик. -Т.: “Норма” 2010 йил, 2-жилд.
3. К.Б.Уразов, С.В.Вахидов. Бошка тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари.-Т., «Адиб нашриёти» МЧЖ, 2011. 188-189б.
4. Интернет сайти: FINANCE RESEARCH LETTERS.